

Эшик калити буралганда гичирлаган товуш чикди ва Карл бир лахзага тўхтаб, коронги уйга кўз югуртириди. «Кизик,-ўйлади у,-ухляяптикин? Уйгонмадимикин?». Аммо Карл Боган бу фикрни дархол миясидан кувиб чикарди. Пичок келиб сүякка кадалган, хозир унга барибир эди. Хотинининг хар кунги жанжал ва айбловлари унинг асабларини ишдан чикарганди.

Карл ичкарига кириб энди зинадан кўтарилимокчи бўлганида коронгуликдан хотинининг овози эшитилди:

-Карл.

Карл Боган биринчи погонадаёк котиб колди. У хотини хозир каерда турганини биларди-мехмонхона бурчагида. Хар сафар жанжаллашадиган бўлса Лаура негадир ўша ерга туриб оларди.

-Пистирмаларингга аллакачон кўнишиш керак эди,-деди у,-аммо хар сафар мени чўчитиб юборасан. Нимага чирокни ёкиб кўймадинг?

-Нима учун ёкиб кўйишим керак?-саволга савол билан жавоб кайтарди Лаура Боган. Коронги бўлишига карамасдан, Карл унинг кимтилган лаблари ва нафратдан чакнаётган кўзларини илгади.-Нима учун ёкиб кўйишим керак? Айтиб кўйсанг бўлармиди?

-Мен каердан келаётганимни ўзинг яхши биласан,-деди Карл.

-Йўк, билмайман, билишни хам хохламайман. Менга килган хиёнатларинг хакида виждонинг уйғонмагунча айтишингни хохлайман...

-Илтимос, Лаура, яна бошлама.

-Йўк, бошлайман. Бошлайман! Хиёнатингни бас килмагунингча гапиравераман.

-Ёки уйдан кетиб колмагунимча.

-Сен хеч качон бундай килмайсан.

Хозир бошланади. «Уйдан кетиб колсанг кандай кун кечирасан? Сенинг пулинг хам, тайинли ишинг хам йўк. Сен менинг уйимда, менинг пулимга яшаяпсан, менга шунинг учун уйлангансан. Мен сенга бир пайтлар ишонганим ва севганим учун чидаб келяпман...».

-Овозингни ўчир!-кичкирди у хотини бу гапларни юзинчи марта кайтаришидан олдинрок.-Лаура, нахотки шу пайтгача кўникмадинг?

-Чунки мен сенга кўнишиб колганман, Карл, сенинг киликларингга эмас. Дунёдаги хеч кайси аёл эрининг хиёнатларига кўника олмайди.

-Нахотки кўплаб оиласи эркаклар бошка аёллар билан учрашиб туришларини билмайсан?

-Бу гапинг билан ўзингни окламокчимисан, Карл?

-Сенинг олдинга хам, бошасининг олдида хам ўзимни оклашга хожат йўк,-жавоб кайтарди Боган. Уни якинлашиб келаётган бўрон олдидан пайдо бўладиган сукунат камраб олди.

«Ўзини ким деб ўйляяпти,-газабланди у.-Нахотки у лаънати пуллари Карлнинг вужуди ва рухига эгалик килишга хукук беради деб ўйляяпти?».

Боган хотиржамлик билан хотинига якинлашди. У конида хотинига нисбатан каҳр кўприбиш тошаётганини хис килди.

Лаура унинг бу харакатидан чўчиб кетди.

-Карл!-Унинг овози кўркувдан калтираб чикди.-Ундей кил...

Аммо кеч бўлганди. Карл унинг томогидан бўгиб олди. Лаура тиз чўкиб колди ва оғзини катта очганча унга даҳшат билан тикилди. Уларнинг кўзлари орасини санокли сантиметрлар ажратиб турар, Карлнинг кўзларида совук учкун ва хотинини бутунлай

бир ёкли килишга катъий карор килгани кўриниб турар, хотинининг кўзларида эса ўлимдан олдинги даҳшат ифодаси котиб колганди.

Боган кўлларини бўшатди, хотини ерга кулади. Бир оздан кейин ўзига келган Карл атрофга аланглади. «Кизик,-ўйлади у,-бу хонада котиллик юз берди, аммо хонада хеч нарса ўзгармади».

Карл Боган меҳмонхонага кириб пардаларни ёпди ва чирокни ёқди. У курткасини ечиб креслога ўтириди ва сигарет тутатди. Карл ўтирган жойдан хотини жасадининг бир кисми кўриниб турарди. У ўйлай бошлади. «Энди нима килиш керак?».

Кутилмаганда Боган қандайдир уйни бузишаётиб инсон суюкларини топиб олишгани хакидаги хабарни ўкиганини эслаб колди. Политсия аёл кишига тегишли бу суюклар ертўлада камида эллик йил ётганини тахмин килганди. Уни кимдир ўлдирган, колган умрини эса bemalol, хавотирланмай ўтказган.

Карл ертўлага йўл олди. У чўкич билан тсемент полни ўйди ва хаяжондан титраганча юшшок ерни казий бошлади. Сўнgra юкорига чикиб хотинини ертўлага олиб тушди ва хозиргина казилган кабрга кўйди.

Бурчакда кум аралаштирилган тсемент солинган коп турарди. Карл сув олиб келди ва кабр устини сувай бошлади. Тиркишлардан куёшнинг илк нурлари туша бошлаганда у ишини тугатганди.

Боган эски тўкима курсига ўтириди ва кабрдан кўзини узмай сигарет чекди.

Демак, энди Лаура йўқ, аммо унинг йўқолиб колиши шубха уйготиши мумкин. У хакикатга якин бирор нарса ўйлаб топиши керак. Лаура иккиси кўшнилар билан унчалик хам якин эмасдилар. Лаура «барча кўшнилар эримнинг хиёнаткорлиги хакида билишади» деган ўйда улардан уялиб, хеч ким билан алока килмасди.

Карл унинг Калифорниядаги узок кариндошларига Лаура оғриб колганлиги хакида хат ёзиб юборди. У кариндошлари кутилмаганда келиб колмасликлари учун унчалик хам бўрттириб ёзмади. Ўша куннинг ўзида Боган тўртта хат ёзди ва хар бирига бир хафта оралиқда сана ёзди. Бу хатларда у Лауранинг саломатлиги яхшиланганини, кейин бирданига ёмонлашгани ва ниҳоят, унинг вафот этганлигини баён этди.

Учинчи куни Карл Боган котиллик килганидан бери уйидан чикмаганлигини сезиб колди. У кўркувга хожат йўклигини, уйида йўклигига хеч ким келиб жасадни кавламаслигини тушунар, аммо хавотир хисси уни тарк этмасди.

Уни турфа ўйлар исканжасидан телефоннинг жиринглаши куткарди. Кассоб Боган хонимнинг нима учун буюртмани олгани келмаганлигини сўради.

-Хаммаси жойида,-жавоб кайтарди Карл.-Шунчаки Боган хонимнинг озгина мазаси кочиб колди.

У кассобнинг Лаурага саломатлик тилашини эшитиб бўлгач, гўшакни кўйди.

Телефон кўнгироги уни ўйлашга мажбур килди. Аввалига у хаммаси жойидалигини, кейин эса хотини касал бўлиб колганини айтди. Бундан бўён эхтиёт бўлиш лозим.

Кўшнилар унчалик хам ахмок бўлмасликлари мумкин. Качондир бир куни кимдир Боган хонимнинг анчадан бери кўринмай колганини сезиши ва кераксиз саволларга кўмб юбориши мумкин.

Бундан ташкари, Лауранинг дугоналари хам бўлиши мумкин. Карл хотинини ва унинг феъл-авторини жуда ёмон билганини энди тушунди. Карл кун бўйи уйда бўлмас, баъзан эса бир неча кунлаб йўқолиб кетарди. Хотини у йўқ пайтда нима билан шугулланганини, кимлар билан, нималар хакида гаплашганини каердан хам билсин.

Тушлик килиб олгач, у бир оз мизгиб олмокчи бўлди, аммо кейин бу кароридан

афсусланди. У даҳшатли туш кўрди. У уйғонмокчи бўлар, лекин каттиқ уйку бунга йўл кўймасди. У каравотда совук терга ботганча тўлганарди. Тушида Лаура кабрдан чикмокчи эмиш. Лаура тсементни тирнар, тинмай чинкирармиш. Тирнаш овози борган сари кучаяр, кейин эса бўгик зарбаларга айланар эмиш. Семент полда ёриклар пайдо бўлибди. Бутун уй зилзиладан ларзага келгандек титраган пайтда Карл ўрнидан сапчиб туриб кетди ва атрофга аланглади. Уйда сукунат хукм сурарди. «Жудаям жимжит», ўйлади у вахима билан. У ертўлага караб югурди. Шошилганидан кокилиб тушиб бўйнини синдириб олишига сал колди. Семент полда хеч кандай ёрик йўқ эди. Унга нима бўляпти, нахотки аклдан озаётган бўлса? Карл хаммасига ўзи айбдор эканлигини тушунди. У уйдан чикмай факат котиллик хакида ўйлайвергани учун шунака туш кўрган.

Карл Боган уйидан ташкарига чиқди ва шу захоти худди өлкасидан тог агдарилгандек ўзини енгил хис килди.

-Яхшимисиз, жаноб Боган?

Унинг юрагини кўркувнинг совук чангали гижимлади. У бор кучини тўплаб ёнбошига ўгирилди ва кайчи билан буталарни текислаётган кўшни аёлга кўзи тушди.

-Яхши,-жавоб кайтарди у хотиржам гапиришга уриниб.

-Боган хоним-чи? Уни деярли бир хафтадан бери кўрмадим.

Бошланяпти! Лаура ўлганига энди уч кун бўлди, бу хотин эса бир хафтадан бери кўрмадим деяпти. Тез орада кўшнилар орасида бошланган гап-сўзлар уни котилликда айлаш билан якунланади.

-Унинг мазаси йўкрок,-аранг гапирди Карл Боган.

Кўшни худди Лаурада бирор иши бордек бошини чайкади.

-Мабодо ёрдамим керакмасми, жаноб Боган?

-Йўк, рахмат.

-Боган хонимнинг касали оғир эмасми?

-Билмадим.

-Доктор чакирдингларми?

Унга аёл шубха билан караётгандек туюлди. Худога шукр, иш хозирча уни котилликда айлашгача етиб бормади. Хозир бу хотин уни Лаурани дўппослаганликда ва бечора Лаура калтак излари йўколмагунча уйидан чикишга уялаётгандикда айблайди.

-Ха. Доктор унга ором кераклигини айтди. Тинчлик ва ором.

-кўриб чиксам бўладими? Унга шўрва пишириб беришим мумкин.

-Йўк, йўк, рахмат,-деди Карл шошиб-пишиб. Ичиди эса «Нима бўляпти ўзи? Нимадан кўркяпман?», деди.-Рахмат, Ван-Найс хоним, ўзим кааяпман.

-Аммо сиз ишга кетганингизда...-Демак, кўшнилар уни халиям ишлайди деб ўйлашади. Яхши, аммо бу Ван-Найс ўтакетган кизикувчан ва кайсар аёл. У Лауранинг ёнига кирмагунча кўймайди. Жин урсин!

-Мен хамшира ёлламокчиман.-Боган бу гапни жуда тез айтди ва бу килиги учун ичиди ўзини сўкди.

Маржери Ван-Найс жилмайди. Хамшира хакида гапириб тўгри килибди. Кўшнининг кўзидаги шубха шу захоти гойиб бўлди. Кизик, керакли жойда ва керакли пайтда айтилган кичкинагина ёлгон кандай мўъжизаларга кодир.

Карл уйига кайтди ва эшикни ичидан беркитиб олди. У Ван-Найс хоним билан бўлиб ўтган сухбатни тўлигича эслашга уринди. Албатта, у ўзини хотиржамрок тутиши лозим эди. Аммо Маржери кутилмагандага шўрва кўтариб Лаурани кўргани кирмаслигига унинг ишончи комил эди.

Умуман олганда, хамшира хакидаги фикр ёмон эмас. Тўгри, у хакикий хамшира ёллай олмасди, аммо уй йигиштирадиган, овкат пиширадиган аёлни топишига хеч ким халакит бермасди. Шундай килиш керакки, бу аёл юкорига чикмасин ва Боган хонимни кўрмасин. Боган хонимнинг ахволи огирилигини ва ўзидан бошка хеч ким унинг ёнига кирмаслиги шартлигини айтиш мумкин.

Эртасига махаллий газеталардан бирида уй бекаси касалдан тургунча уй ишларини бажариб турадиган аёл кераклиги хакида эълон чикди. Икки кундан кейин эшик кўнгироги жиринглади.

Карл эшикни очди ва остоноада баланд бўйли, истараги, лаблари чиройли ва кўзлари аклли бокадиган аёлни кўрди. У кўлида эълонлар сахифаси очилган газетани ушлаб олганди.

Аёллар билан муносабатда бой тажрибага эга бўлган Боган унинг киркка хам кирмаганини ва сир саклай оладиган аёллардан эканлигини бир карашдаёк сезди.

Эҳтимол, вакти келиб у сирини мана шу аёлга айтиши мумкин.

Бетта Кул унинг саволларига киска-киска жавоб берди.

-Агар зарур бўлса хамширалик хам килишим мумкин,-кўшиб кўйди у.

-Йўқ, йўқ, бунга хожат йўқ!-бош чайкади Боган.-Сиз факат уй ишларини бажарасиз ва овкат тайёрлайсиз. Боган хонимга тинчлик керак.-У бир оз жим тургач, кўшиб кўйди:-Доктор уни хафтада бир марта келиб кўриб кетади.

Кул хоним унга синчковлик билан тикилди. Карл унинг нимадир сўрамокчилигини, аммо сўрашга ботинолмаётганини сезди.

-У фарзандли бўлиши керак эди, аммо...-деди Карл Боган. Бетта афсуслангандек хўрсиниб кўйди.-У жудаям заиф.-Карл кўзларини ерга кадади, аммо овозига яхшиликдан умид килаётгандек оханг беришга уринди.

Ярим соатдан сўнг улар хамма нарсани келишиб олдилар. Кул хоним эрталаб келади, биринчи каватни йигиштиради ва Боган хоним учун овкат тайёрлайди. Карл овкатни Лаура ётган хонага олиб чикади, уни овкатлантиргач, идишни олиб тушади.

-Лаура сизнинг кўлингиз шириклигини айтиб мактади,-деди у биринчи куниёк.

-Рахмат.

Боган уни диккат билан кузатди. «кўриниши ёмонмас», ўйлади у. Баъзан Карл аёл хам унга бошкacha кўз билан караб кўяётганини сезиб коларди. У аёлнинг ачинаётганини ва бу охири нимага олиб келишини биларди.

Орадан бир хафта, кейин иккинчиси ўтди. Хар куни эрталаб ва туш пайти Карл патнис кўтариб Лауранинг бўм-бўш хонасига кирап, эшикни ичидан кулфлаб олиб овкатланишга тушарди. Баъзан эса Кулга Лауранинг номидан бирор гапни айтарди. Соат тўртда Бетта уйига кетар ва Карлнинг ўзи ёлгиз коларди.

Бир куни у Беттани автобус бекатигача кузатиб кўйди.

-Боган хоним калай?-кизикди Бетта Кул.

-Афсуски, олдингидек,-кайгу билан бош чайкади Карл,-хеч кандай ўзгариш йўқ. Кеча сиз кетгандан кейин доктор келди. Унинг айтишича, яхши томонга ўзгариш бўлмабди. Лаура деворга тикилганча мик этмай ётибди.

-Бола хакида ўйлаётган бўлса керак.

-Бўлиши мумкин,-деди Карл.

Улар бекатга етиб келишганида аёл унга тик каради ва бир оз иккиланиб сўради:

-Тузалиб кетишига умид борми, жаноб Боган?

-Гап иккимизнинг ўртамиизда колсин,-деди Боган,-йўқ. Доктор индамаяпти, аммо унинг

кўзидан тузалишига умид йўклигини кўряпман.

-Сизга ачинаман, жаноб Боган. Сизга хозир канчалар огирилигини ўз тажрибамдан келиб чикиб биламан. Ёлгизлик хисси менга яхши таниш.

-Балки бир-биrimizning kайфиятимизни кўтарармиз?-кутилмаганда Карлнинг оғзидан шу сўзлар чикиб кетди.

У Бетта жавоб кайтармайди деб ўйлаганди, аммо унинг жавоби хайратланарли бўлди:

-Агар Боган хонимга бирор кун кўшнингиз караб турса, кинога боришимиз мумкин.

Шундай килиб, хар куни кечкурун Боганларнинг уйида «кўшниси» ўтириб турадиган бўлди. Карл яна аёл киши билан учрашишни бошлаганидан хурсанд эди. Кул хонимнинг ёлгизлиги хам барҳам топди.

Карл Боган хотини ўлаётган кишига ўхшамасди. Улар ракс тушишар, контсерталарга боришарди.

-Карл, сен туфайли мен яна ўзимни ёшлигимга кайтгандек хис киляпман,-деди бир куни Бетта Кул.

-Мен хам. Хаётимизни ўзгартиришимиз керак.

-Учрашувларимизни бас килишимиз керак деб ўйлайсанми?

-Албатта йўқ,-деди Боган.-Бу фикрни миянгдан чикариб ташла, Бетта. Биз хаётимиздаги ноҳуш дамларни енгишга уринаётган инсонлармиз холос.

-Бу канча вакт давом этади деб ўйлайсан?

-Билмадим,-у елкасини кисди.-Лаура хали хам ётибди.

-Бу бир умр давом этиши мумкин.

Карл Боган бу бир умр давом этмаслигини тушуниб турарди. Нимадир килиш керак, лекин нима? Тўгри, у Лаурани «ўлди» дейиши мумкин, аммо унда бошка муаммо пайдо бўлади. Уни кўммасликнинг иложи йўқ. Ўлим хакида гувохнома олиш керак. Тобут тайёрлатиш керак. Лауранинг ўлими кўплаб муаммоларни келтириб чикаради.

Бир куни у хатто Беттага хаммасини айтмокчи хам бўлди. Карл бу аёл уни севишига асло шубха килмасди, севги эса аёлни кулга айлантиради. Узок ўйланишлардан сўнг у бу фикрдан воз кечди. Яна бир бор таваккал килишни истамади.

«Вазиятдан чикишнинг энг яхши йўли,-ўйлади Карл,-Лауранинг гойиб бўлиши. Лаурани касалхонага олиб бориб қўйганини айтади. Унинг жасадини эса, халиги газетада ўқигани сингари эллик йилдан кейин топишади. Ким хам ўзидан ўзи келиб ертўлани кавларди?».

Карл кўлида патнис билан иккинчи каватга кўтариларкан, шу хақда ўйларди. У курсига ўзини ташлади ва паришонхотирлик билан овкатлана бошлади. Уйни сотиш мумкин.

Хархолда, анча-мунча пул бўлади. Тўгри, Лауранинг бор бойлиги олдида уйнинг пули арзимаган пул бўлади, лекин нима хам килсин.

Кутилмаганда Боган котиб колди ва овкатланиши бас килди. Унинг миясига хотинининг пулларини хам эгаллаш мумкинлиги хакидаги фикр келиб колди. Бунинг учун Лауранинг ўрнига Беттадан фойдаланиш мумкин. Жасадни факат тобут тайёрлайдиганлар кўради, лекин улар Лауранинг ўрнида Бетта ётганлигини билишмайди. «Ажойиб фикр!», Карл хаяжондан сакраб туриб кетди. Аммо Беттани ўлдиришдан олдин хаммасини яхшилаб ўйлаб олиш керак.

У бўш идишлар билан ошхонага кайтганида Бетта сўради:

-Овкатнинг хаммасини едими?

-Ха,-бош силкиди Карл унга диккат билан тикилганча.

-Карл, мени севасанми?-кутилмаганда сўраб колди Бетта.

-Бетта, ўзинг биласан-ку. Тепада хам факат сен хакингда ўйладим.

-Агар у ўлса, сен мени хар доимгидек севасанми?

-Хозиргидан хам каттирок севаман,-уни ишонтирди Боган, Бетта нега бундай деяётганига тушунмай.

-Худога шукр, Карл! Бунга оз колди.

-Нимани назарда тутяпсан?

Бетта Кул бўш идишларга караб мийигида кулди, сўнг Боганга нигохини бурди.

-Мен овкатга захар кўшиб кўйдим. У бир оздан кейин ўлади.

Карл Боганнинг ранги окариб кетди. Сўнгра бирданига ўткир оғрик бошланди. Унинг

жигилдони худди ўт кетгандек кизиб борар, Карл полда тиришганча жазавага тушарди.

Бетта унга хайрон тикилиб турарди. Карл жон беришдан олдин унга караб «ахмок»

дэйишга улгурди холос.

Рус тилидан Дилшодбек Аскarov таржимаси.